



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи ва манбашунослик кафедраси

МЕНГЛИЕВ ШАВКАТ АБДУРАХМОНОВИЧнинг

**5220200- тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**“ҚАДИМГИ БАКТРИЯНИНГ БРОНЗА ДАВРИ
МАДАНИЯТИ” мавзусидаги**

Битирув маљакавий иши

Илмий рахбар:

доц.З.Холиқов

Термиз- 2011

Термиз давлат университети кундузги бўлим битирувчиси **Менглиев Шавкат**нинг 5220200-тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Қадимги Бактриянинг бронза даври маданияти” мавзусидаги битирув малакавий иши муаллифлик

АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти қадаимги Шарқ халқлари маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Мамлакатимиз ҳудуди Ўрта Осиёнинг йирик маданият марказлари вужудга келган ҳудуд ҳисобланади. Инсоният тарихида ёзувларнинг пайдо бўлганига 3-6 минг йил бўлган Эрамиздан аввалги IV-III минг йилликда Миср ва Месопотамия ҳудудида кишилиқ жамиятининг илк ёзувлари пайдо бўлган ва шаклланди. Қадимги Шарқда бронза даври “ёзма манбалар” даври деб аталади. Ер қуррасининг қайси ҳудудида деҳқончилик маданияти эртароқ вужудга келган бўлса, ҳудди шу ҳудудда давлатчилик ва унинг органлари ва ёзув пайдо бўлган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Мана шундай маданият учқолари ни ўз ичига олган Ўзбекистон ҳудуди ва унинг атрофидан топилган моддий ва маънавий асари-атиқалари ватанимиз тарихининг қадимийлигини янада орттиради. Ёзма манбалар ва бир тизимга солинган ёзувнинг пайдо бўлиши инсон ўз хотирасида сақлаб қола олмайдиган воқеа ва ҳодисаларни ёзиб қолдириш авлоддан-авлодга ўтказиш ва мерос қилиб қолдириш, хабарномалар ва китоблар битиш имконини беради

Тадқиқот объекти ва предмети: Қадимги Бактриянинг бронза даври маданияти мавзусида олиб борилган тадқиқотларни тарихий нуқтаи назардан илмий таҳлил қилиш предмет объектидир.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси, амалий аҳамияти ва тадбиғи: Қадимги дунёнинг маданияти фақат моддий маданият намуналари эмас, балки кишиларнинг диний фалсафий дунёқарашлари, эътиқод- ишончлар орқали ўрганиш зарур.

Сўнгги палеолит ва мезолит давридаёқ инсоният тарихида қоятош суратлари ва тасвирий санъат намуналарининг пайдо бўлиши инсон нафақат биологик балки онгли юқори даражадаги мавжудод эканлигини билдиради. Неолит даврида инсоният тарихида деҳқончиликнинг пайдо бўлишини Г.Чайльд бутун маданиятнинг бошланиши деб ҳисоблаган эди.¹

Шундай экан Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданиятини ёзма манбалар ва археологик манбалар орқали солиштириб ўзгаришни талаб этади. Ўрганилаётган мавзунинг моҳияти ва мавзусини чуқурроқ ўрганиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишнинг тузилиши ва таркиби: Кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

¹ Сополли маданияти пиктагрофик белги-ёзувлари (Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари). 2003. № 88-93 бетлар

Олинган асосий натижалар: Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида мавзуга доир кўпгина манбалар ва адабиётлар, оммавий ахборот воситалари билан танишиб чикдим. Айниқса президентимиз асарлари, хусусан, “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарлари метадологик асос бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари археологик маълумотларга асосан рисола ва бошқа шунга ўхшаш кўпгина адабиётлар таҳлил қилинди ва битирув малакавий ишни ёзишда фойдаланилди. Битирув малакавий иш мавзуси янги, илгари илмий тадқиқот ишлари муомаласида бўлмаган янги мавзу бўлганлиги сабабли, кўпроқ оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, статистик маълумотлар ҳам таҳлил қилинди.

Иқтисодий самарадорлиги: Мазкур битирув малакавий ишидан инновацион лойиҳалар тузишда, академик лицей ва коллежлар ҳамда мактаб ўқувчиларига илмий семинарлар ўтказишда фойдаланиш ва реализация қилиш мумкин

Хулоса ва таклифлар: Қадимги ёзувлар ва манбалар учрайдиган шаҳар ва қишлоқлар моддий маданият археологик қидирувлар орқали ўз тасдиғини топганлиги юртимизни мадҳ этувчи ёзувлар янада ишончли манбалар эканлигига ишончимиз комил бўлади. Қадимги Бактрия, Хоразм, Суғдиёна, Парфия, Марғиёна, Юнон Бактрия подшолиги Кушонлар подшолиги ўзини тутган мавқеи, сиёсати ва иқтисоди маданияти билан жаҳон халқлари тарихида ва уларнинг маданияти тараққиётида ўзига хос ютуқлар тажрибалар билан ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Раҳбар _____

Талаба _____

Термиз давлат университети
Тарих факультети
Тарих бўлими «Жаҳон тарихи ва манбашунослик» кафедраси
№__ сонли йиғилиши баённомасидан

К Ў Ч И Р М А

«__»_____2011 йил

Термиз шаҳар

Кўрилган масала

1. Кундузги бўлим талабаларининг битирув малакавий ишларини ҳимояга тавсия этиш ҳақида.

Кафедра йиғилиши қарор қилади:

1.Менглиев Шавкатнинг “Қадимги Бақтриянинг бронза даври маданияти” мавзусидаги битирув малакавий иши ҳимояга тавсия қилинсин.

2. Ички тақризчи этиб т.ф.н.Т.Пардаев, ташқи тақризчи этиб, Термиз археология музейи директори Ботиров И.лар тайинлансин.

Илмий раҳбар: доц.З.Холиқов тайинлансин.

Йиғилиш раиси:

проф.С.Н.Турсунов

Котиба:

ўқ.Г.Аҳмедова.

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Йўналиш: Тарих

Тасдиқлайман _____
Факультет декани _____
«_____» _____ 2011 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____
(фамилияси, исми, шарифи)

1. Ишнинг мавзуси _____

«_____» _____ 20__ йил кафедра мажлисида маъқулланган

_____ йил ректорнинг № _____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган

2. Ишни топшириш муддати _____

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

5. Чизма қисми материаллари рўйхати:

6. Маслаҳатчилар.

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топшириқ берди	Топшириқ қабул қилинди

7. Битирув иши бажариш режаси

№	Босқичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилганлик белгиси

Битирув иши раҳбари_____

Кафедра мудири_____

Топшириқни бажаришга олдим _____

«_____» _____ 200__ йил

ҚАДИМГИ БАҚТРИЯНИНГ БРОНЗА ДАВРИ МАДАНИЯТИ

Кириш.

I.Боб. Ўрта Осиёдаги қадимги давлатларнинг Кўхна Шарқ тарихида тутган ўрни.

1.1. “Катта Хоразм” давлати

1.2. “Қадимги Бактрия” давлати.

II.Боб.Қадимги маданиятни ўрганишда ёзма манбаларнинг ўрни.

2.1. Суғд ёзуви

2.2. Бактрия ёзуви

III.Боб.Бронза даври моддий маданияти: қурилиш, кулолчилик, ҳайкалтарошлик, бадий ва амалий санъат тараққиёти.

3.1.Бактриянинг меъморчилиги

3.2.Бронза даври манзилгоҳлари

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги: Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти қадаимги Шарқ халқлари маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Мамлакатимиз ҳудуди Ўрта Осиёнинг йирик маданият марказлари вужудга келган ҳудуд ҳисобланади.

Инсоният тарихида ёзувларнинг пайдо бўлганига 3-6 минг йил бўлган Эраминдан аввалги IV-III минг йилликда Миср ва Месопотамия ҳудудида кишилиқ жамиятининг илк ёзувлари пайдо бўлган ва шаклланди.

Қадимги Шарқда бронза даври “ёзма манбалар” даври деб аталади. Ер қуррасининг қайси ҳудудида деҳқончилик маданияти эртароқ вужудга келган бўлса, ҳудди шу ҳудудда давлатчилик ва унинг органлари ва ёзув пайдо бўлган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Мана шундай маданият учқолари ни ўз ичига олган Ўзбекистон ҳудуди ва унинг атрофидан топилган моддий ва маънавий асари-атиқалари ватанимиз тарихининг қадимийлигини янада орттиради. Ёзма манбалар ва бир тизимга солинган ёзувнинг пайдо бўлиши инсон ўз хотирасида сақлаб қола олмайдиган воқеа ва ҳодисаларни ёзиб қолдириш авлоддан-авлодга ўтказиш ва мерос қилиб қолдириш, хабарномалар ва китоблар битиш имконини беради.

Ишдаги эришилган янгиликлар ва натижалари: Ўрта Осиё халқларининг илк ёзма манбалари ҳам сўнгги бронза ва илк темир асрида шаклланди. Ёзув-илк маданиятнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар ёзувни илк шаҳарларнинг ва цивилизациянинг асосий белгиларидан бири деб ҳисоблашса (Гумаев В.И. Города гусударству мая (структура и функции города в раннеклавссовом обществе) М. 1979. 19-бет.

Айрим тадқиқотчилар эса урф-одатларга кучли бўйсунувчи давлат бошқаруви кам ривожланган жамоаларда ёзувни бўлиши илк шаҳарларнинг

иккинчи бўлиши даражаси белгилари деб ҳисоблайдилар.¹ Ш.Б.Шайдуллаев фикрига кўра илк шаҳарлар билан тарихий жараёнида вужудга келадиган илк давлатлар, бошланғич ёзув усули яъни ўз фикрини ифода этишсиз давлатнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас.

Ишнинг амалий аҳамияти: Қадимги дунёнинг маданияти фақат моддий маданият намуналари эмас, балки кишиларнинг диний фалсафий дунёқарашлари, эътиқод- ишончлар орқали ўрганиш зарур.

Сўнгги палеолит ва мезолит давридаёқ инсоният тарихида қоятош суратлари ва тасвирий санъат намуналарининг пайдо бўлиши инсон нафақат биологик балки онгли юқори даражадаги мавжудод эканлигини билдиради. Неолит даврида инсоният тарихида деҳқончиликнинг пайдо бўлишини Г.Чайльд бутун маданиятнинг бошланиши деб ҳисоблаган эди.²

Шундай экан Ўрта Осиё ҳақларининг қадимги маданиятини ёзма манбалар ва археологик манбалар орқали солиштириб ўзгаришни талаб этади. Ўрганилаётган мавзунинг моҳияти ва мавзусини чуқурроқ ўрганиш муҳим вазифа ҳисобланади.

БМИ тузилиши: Кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Адабиётлар таҳлили: Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида мавзуга доир кўпгина манбалар ва адабиётлар, оммавий ахборот воситалари билан танишиб чиқдим. Айниқса президентимиз асарлари, хусусан, “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асари метадологик асос бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари С.П.Толстов “Авесто”да Зардуштуранинг ватани Қадимги Хоразм бўлган деб ҳисоблайдилар. “Авесто”да ёзилишича Арьянем Вайчайх Дайтиа дарёсининг соҳилида жойлашган. С.Толстов ва бошқа олимлар Дайтиа бу Амударёдир деб ҳисоблайдилар. Зардуштра ўзининг таълимотини шу ҳудуддан чиқиб бошқа жойларга тарқатган деб

¹ История деревного мира. И. 1. М. 1973.

² Сополли маданияти пиктагрофик белги-ёзувлари (Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари). 2003. № 88-93 бетлар

ҳисоблайдилар.¹ Ясно китоби 72 бобдан иборат бўлиб, уларнинг 17 таси “Тоталар” яъни пайгамбар зардўшларнинг “муқаддас кўшиқлари” унинг диний нисаҳатларидан иборат.² Чориев З.У. Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши, Альбаум Л.И.Болалык-тепе к истории материальной культуры и искусства Тохаристана Тошкент. АНРУз ССР. 1960, Микртычев Т.К. Термизда буддизм Термез буюк йўллар чоррахасидаги кўҳна ва янги шаҳар Тошкент, Шарқ. 2001., Ретвеладзе Э.В. Разведочное изучение памятников на юге Узбекистана Древняя Бактрия Л. Наука. 1974, Асқаров А.А. Сополлитепа. Т. Фан. 1979 археологик маълумотларга асосланган адабиётлар таҳлил қилинди ва битирув малакавий ишни ёзишда фойдаланилди. Битирув малакавий иш мавзуси янги, илгари илмий тадқиқот ишлари муомаласида бўлмаган янги мавзу бўлганлиги сабабли, кўпроқ оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, статистик маълумотлар ҳам таҳлил қилинди.

¹ Толстов С.П. “Қадимги Хоразм” маданиятини излаб. Т. “Фан”. 1971. –Б 154.

² Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т. Ўқитувчи. 1996 й. 16-17 бетлар.

I.Боб. Ўрта Осиёдаги қадимги давлатларнинг Кўхна Шарқ тарихида тутган ўрни.

1.1. “Катта Хоразм” давлати

Она ватанимиз тарихига эътибор берсак нафақат Ўрта Осиё балки бутун жаҳонга танилган қадимги давлатлари билан машҳур бўлган.

Ўрта осиедаги Бактрия Катта Хоразм, кейинчалик Бактрия, Суғдиёна, Марғиёна, Давон, қадимги Фарғона подшолиги кабилар йирик антик давлатлар мавжуд эди.

Зардуштийликнинг муққаддас китоби “авесто”да Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон ҳудудларида Аҳмонийлар давригача давлат тузими бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Бу давлатлар ҳарбий демократик типдаги жанговар қабиалардан ташкил топган давлатлар эди. Бизга маълумки ҳар қандай давлат шаклланишида ёзувнинг вужудга келиши муҳим аҳамият касб этади.

Бундай илмий хулоса, қадимги Миср, Месопатамия ҳудудларида ташкил топган кулдорлик давлатлари тажрибасидан маълумдир.

XX асрнинг 80-90 йилларида кўпгина тарихи олимлар Ўрта Осиёда Эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда ёзув мавжуд бўлмаган деган ғояни илгари суррадилар. Лекин академик А.А.Асқаров фикрига кўра “Авесто” китобида қайд этилган шаҳар-қишлоқлар ва атамаларнинг аксарияти Ўрта Осиё ҳудуддига тўғри келганлиги учун бу ёзувнинг ватани Хоразм деб эътироф этилган. Аммо археологик тадқиқотлар бу ҳудудда ёзувнинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги IV-III асрларга тўғри келишидан гувоҳлик беради.

Ўрта Осиёнинг ана шундай қадимги ёзувлари сирасига “суғд ёзуви”, “бактрия ёзуви” намуналари билан бирга машҳур ёзувлар киради. Бу ёзувлар асосида Эрон Аҳмонийларнинг оромий ёзуви этади. Улар Ўрата Осиё ҳудудида Аҳмонийлар таркибига кирганлигидан далолат беради. Аммо кейинги йилларда Туркменистоннинг Мурғоб ва Кўхна Бактриянинг Сурхон воҳасидаги баъзи бир ёдгорликлардан сўнгги Бронза даврига оид ёзув намуналари топилган. Лекин бу ёзувлар ҳали мутахассислар томонидан

ўрганилмаган. Шунинг учун олимлар ўртасида Ўрта ва Шарқий Эронда Аҳмонийлар даврига қадар давлатлар бўлган деган масала устун эди.

Бироқ “авесто” ва юнон муаллифлари асарларида бу масала ўз ечимини топган. Юнон тарихчиларининг хабарларига кўра, бу ҳудудларда қабилалар кондендерацияси асосида ташкил топган давлатлар мавжуд эди. Бу давлатлар “Катта Хоразм”, “Бақтрия подшолиги” бўлиб, улар ҳарбий демократик қонун қоидалар асосида ташкил топган эди.

Манбалар бизгача тўлиқ етиб келмаганлиги учун, уларнинг баъзиларидаги динний-фалсафий характерга эга бўлган зардўштийлик динининг бош тарғиботчиси Зардўштира ва унинг ҳомийси Кеви Виштаспонинг ҳукмронлиги эътироф этиш билан чегараланамиз “авесто” маълумотлари асосида машҳур хоразмшунос олим С.П.Толистов, европалик В.Хамленинг ва И.Гешовичлар “Катта Хоразм” давлати ҳақида археологик изланишлар ва тарихийгеографик маълумотларни солиштириб ўзларини қарашларини баён этганлар.

Масалан С.П.Толстов “Авесто”да Зардуштуранинг ватани Қадимги Хоразм бўлган деб ҳисоблайдилар. “Авесто”да ёзилишича Арьянем Вайчайх Дайтийа дарёсининг соҳилида жойлашган. С.Талстов ва бошқа олимлар Дайтийа бу Амударёдир деб ҳисоблайдилар. Зарадуштра ўзининг таълимотини шу ҳудуддан чиқиб бошқа жойларга тарқатган деб ҳисоблайдилар.¹

Авестода “Катта Хоразм”га тегишли вилоятлар санаб ўтилади. Унда Ўрта Осиёнинг аксарият ҳудуди “Катта Хоразм”га тегишли бўлиб ҳисобланади. Бу маълумотлар юнон тарихчиларининг асарларида ўзининг тасдиғини топган Герадод ўзининг “Тарих” номли асарида “Катта Хоразм” давлатининг экин майдонини суғориш учун Окс дарёсига тўғон қурилганлигини баён этади.

¹ Толстов С.П. “Қадимги Хоразм” маданиятини излаб. Т. “Фан”. 1971. –Б 154.

Тадқиқотчилар Оксни Тахюн дарёсига тўғри келади деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳозирги Хирот ва Мари вилоятлари “катта Хоразм” давлати таркибида бўлганлигини эътироф этадилар. Хулоса қилиб айтганда, Герадод маълумотига эр.ав. VIII- VII асрларда Окс Тахюн воҳаси ҳозирги Туркменистон қадимги хоразмликлар ҳудуди ҳисобланади.

Бироқ “Катта Хоразм” давлати қачон инқирозга учраганлиги маълум эмас. Аммо бу давлатнинг ҳукмронлигидаёқ ундан ажралиб кетган унинг бир қатор вилоятлари Аҳмонийлар томонидан босиб олинган.

Эр.ав. IV асрга келиб Амударёнинг қуйи ҳавзасида Қадимги Хоразм давлати ташкил топди. Александр Македонский Ҳиндикуш орқали Бақтрия сўнгра Суғдиёнага юриш қилади. Ҳарбий юришлар даврида Фарасман Александр Македонский ҳузурига совға саломлар билан чиқиб, унинг юришларига ёрдам берди.

Археологик материаллар “Катта Хоразм” давлатининг ҳудудига Парфия ва Гиркония Марғиёнагача бўлган ҳудудлар кирганини тасдиқлайди.

Ўрта Осиё ҳудудида Аҳмонийлар ҳукмронлигига қадар ташкил топган иккинчи давлат бу қадимги Бақтрия подшолигидир. Бу давлат ҳақидаги дастлабки маълумотлар юнонистонлик табиб Китисий ҳикояларида учратди. Ҳатто тарихчи Диодор ҳам Китесий ҳикояларига асосланган ҳолда Оссурия подшоси Ниннинг Бақтрияга юришлари ҳақида хабар беради.

Бу маълумотлар орасида Нин бақтрияликларнинг жанговарлигини билиб, 170 минг пиёда ва 210 минг отлик аскар тўплаб, Бақтрияга ҳужум қилади. Бақтрия пойтахти Бақтра (ҳозирги Балх) мустақил иншоотларига эга бўлган. Унинг ҳукумдори Оксаиарт эса ҳимас учун 400 минглик кўшин тайёрлади. Биринчи жангда Бақтрия кўшинлари Оссурияликларни мағлубиятга учратдилар, бироқ асосий кўшинлар жангда бақтрияликлар чекинишга мажбур бўлдилар. Бақтрия Оссурияликлар томонидан эгалланди.

Мидия ва Оссурия ўртасида уруш келиб чиқди. Шу муносабат билан Ктесий Бақтрия ҳақида маълумотлар беради. Оссурия томонидан туриб

Мидияга қарши уруш олиб боради. Бундан хабар топган Мидия аслзодалари Бактрия лашкарбошисини ва унинг қўшинини ўзини томонига ағдариб олади Мидия ва Бактриянинг бирлашган қўшинлари Оссурия қўшинларига зарба берди. Шу билан бирга Кир II нинг Шарққа юриши ҳақида маълумотлар келтирилган. Кир дастлаб Бактрияни бўйсиндира олмаган. Бактрияликлар Мидия подшоси Астиагнинг Кирга ўзини қонуний меросхўри деб эълон қилинганини эшитгач унга қаршиликсиз бўйсундилар. Ҳозигача унинг Аҳмонийлар подшоси Доро I ва Артаксеркес II даврида Эронда сарой табиби бўлиб ишлагани тўлиқ исботланган.

Ктесийнинг Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотлари V асрнинг охири ва IV асрнинг охирига оид кўпгина асарларида учрайди. Унинг маълумотлари бир қанчаси тўғри келади Оссурия ва Бактрия ўртасида муносабатлар бундай алоқалар Саргон II давридаги бир қанча маълумотлар учрайди. Бу маълумотлар VIII асрдаги маълумотларда учрайди. Оссурия айғоқчилари бактриянинг ичига кириб унинг лазурити ва қимматбаҳо тошлари ҳақида маълумотлар келтирган.

Кетесий эр.ав. VIII – VII асрга оид маълумотларни ва унинг шон-шуҳрати ҳақида маълумот келтирган. У Кирнинг Мидия подшоси Керез устидан қозонган ғалабасини ва унинг йўлида Вавилон, Бактрия, Саклар ва Мисирликлар тургани ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики юнон ёзувчиларини асарларида тарихан ҳақиат борлигини исботлаб берди.

Бунга мисол қилиб Жанубий Бактрияда олтин-1 ва олтин-10 ва Бактра шахри вайроналарини ва Шимолий Бактрияда эса Кучуктепа, Қизилтепа, Толошқонтёпа ва Бандихон-2 кабиларни кузатиш мумкин. Эронни босиб олганга қадар бу ерда 2 та ҳарбий демократияга асосланган давлат бор эди. Булар “Катта Хоразм” ва “Қадимги Бактрия” подшолиги эди. Ўрта Осиёнинг яна бир маданият маркази Суғдиёнадир. У Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларини ўзини ичига олган. Эр.ав. VI- IV асрда Суғд ерлари

Эрон аҳмонийларига катта миқдорда солиқ тўлаб турган. Унинг халқи Спитамин бошчилигида Искандар Зулқарнайн лашкарларига қарши кураш олиб боришган.

Суғдиёна эр.авв. III асрнинг ўрталарида Юнон-Бақтрия подшолиги таркибида, кейинчалик эса кушонлар таркибида эди. Эрамизнинг II асрида у Қанғ давлатига кирар эди. Унинг бош шаҳри Самарқанд Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган “буюк ипак” йўлида Шарқ дарвозаси ролини уйнади. Суғдлар Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даврида Хитой ҳудудида ўзини ва савдо калонияларига эга бўлган халқ ҳисоблайдилар.

Суғд савдогарларининг карвонсарой ва қишлоқлари Еттисувда ва Шарқий Туркистонда, Хитойнинг қатор шимолий вилоятларида, ҳатто бутун Сибирь вилоятларида қат қўтарган. Эр.авв. III асрдаёқ ўзининг ёзувига эга бўлган. VIII асрнинг ўрталарида қатор Шарқ ва Ғарб шимол ва жануб мамлакатларидан келган элчилар Самарқандга келиб унинг ихшиди (ҳукмдори) Вархуманни совға-саломлар билан қутлаганлар. Милоддан аввалги VIII- VII асрларда бутун бир маданият маркази сифатида бақтрия шаклланди.

Унинг ҳудудига Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти жанубий Ғарбий Тоҳаристон ҳудуди шимолий Афғонистон кирар эди. Бу юрт ҳам Эрон Аҳмонийлари таркибида бўлиб, унга катта миқдорда солиқ тўлаб турар эди. Бу ерни Искандар биринчи бўлиб босиб олган. Бу юртда эр.авв. III асрда Юнон-Бақтрия подшолиги ташкил топди. Шу даврда ҳам у ўзининг ёзувига эга эди. Бақтриянинг ҳукмдори Кави Вишитаста зардўштийликнинг ҳомийси бўлиб, уни давлат дини сифатида қабул қилган. Бу ерда Кушонлар давлати ташкил топган бўлиб, унинг ҳудуди Ҳинд ерларигача ўз ичига олган. Унинг халқи буддизмни қабул қилган. Шу билан бирга Ўзбекистон ҳудудида Чоч, Паркан ва Устуршона каби бой маданият марказлари мавжуд эди. Аммо уларнинг ривожланиш тарихи Бақтрия, Хоразм, Суғдиёна ва Марғиёнадан кейин содир бўлди. Маданият эса милоддан аввалги IV-III асрда кириб

келди. Бу қадимги ҳудудлар шу халқларнинг номидан келиб чиққан. Улар суғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканлар деб юритилган. Улар Шарқий Эрон лаҳжасида гаплашган. Аммо вилоят аҳолисининг бир қисми бошқа туркий ва суғдий тилларида сўзлашган булар милoddан аввалги III-II асрда Еттисув, Жанубий Қозоғистон Тошкент воҳасида яшовчи аҳолидир. Улар яшайдиган жой умумий саклар номи билан юритилган. Юнон манбаларида саклар скифлар деб аталган. Геродот ўзининг “тарих” ида 13 та жанговар скифларни сак, массагет, Хоразм, Сўғд, топур, доҳ шулар жумласидандир. Булар “Авестода чорвадор аҳоли турлар деб аталган. Эрон ва Туроннинг шимолида ишловчи аҳоли шу ном билан аталган. Уларнинг юрти Турон деб таъкидланган Тарих ва бошқа соҳа татқиқотчиларининг маълумотларига кўра Ўрта Осиёнинг ҳудудида милodий эранинг арафасида суғдийлар, бактрияликлар, парканлар, марғиёналиклар, чочликлар маълум этник элат сифатида шаклландилар. Аммо уларни кўшниси саклар ҳоли уруғ-аймоқчилик шаклида яшар эдилар. Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистон ҳудудида ҳарбий демократияга асосланган ёдгорликлар Самарқандда Афросиёб, Қашқадарёдаги Ерқўрғон, Сурхондарёдаги Тоша, Толашқонтепа, қадимги Хоразмдаги Кўзалиқир, қалали қир ёдгорликлари мисолида ўрганилган Афросиёб 750 йил тарихга эга унинг туб аҳолиси суғдлар томонидан Самарканса номининг киритилиши бежиз эмас. IX асрнинг ўрталарида суғд тилини ўрнини форс тили эгаллади, самарканса Самарқанд номини олди.

Самарқанд туркийда Семизкент, Хитой манбаларида Кан деб атала бошлади. Тадқиқотлар унинг ёшини 2750 йилга тенг деб ҳисоблайди. Эрамиздан аввалги IУ-IУ асрларда Ўрта Осиёда Аҳмонийлар томонидан босиб олиниши амаданият уйғунлашиб кетди. Биргина кулолчилик маҳсулотларини Эрон ва Туронда бир хил тарқалиши буни исботи. Илгари Аҳмонийлар даври сополлари Эрондан эмас балки Ўрта Осиё ҳудудига тегишли эканлиги буни исботини топди.

Аҳмонийлар даври сополи деб топилган идишлар Қаршининг Ерқўрғон ёдгорлигидан топилган милoddан аввалги У11 асрдан Бухорода милoddан аввалги У асрдан Сурхон воҳасида милloodан аввалги 1Х-УШ асрлардан мавжуд.

Шу далиллар туфайли археологларимиз Қаршига 2700 ёш, Бухорога 2500 ёш, Самарқандга 2750 ёш бериб, шаҳарларни тарихини янада қадимийлаштирдилар. Бу ҳудудларда маданият эрамиздан аввалги 11-минг йилликнинг ўрталарида шаклланди. Аммо Аҳмонийлар сополига ўхшаш сополлар эрамиздан аввалги 1Х асрнинг охири ва Х-УШ асрнинг бошларида ишлаб чиқарила бошлаган. Агар шаҳарлар тарихи ва маданияти Самарқандда-Афросиёб-1, Қашқадарёда Ерқўрғон-1, Хоразмда Кўзали Қир-1 ва Каллали қир-1 ёдгорликлари мисолида ўрганилган. Бу ёдгорликлар мамлакатимиз ҳудудида эр.авв. шаҳар ва маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида тўлиқ маълумот беради. Бу ёдгорликлар муҳофаа девори билан ўраб олингани ва унинг таркибида шаҳар ҳукмдорининг қароргоҳи арки аёло жойлашган. Аҳоли ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган. Давлат оқсақолла кенгаши томонидан бошқарилган. Бу кенгаш эса аҳоли сайлаган ҳукмдор томонидан бошқарилган. У диний дунёвий ва ҳарбий ҳокимиятни кўлида ушлаб турган. Бу эса Ўрта Осиёда илк давлатчилик қурилмасининг шакллангандан дарак беради. Ўрта Осиё эр.авв. У1-1У асрларда дунёнинг биринчи йирик империяси Эрон Аҳмонийлар давлати таркибида эди. Бу давлат Мисрдан Шимолий Ғарбий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларда яшовчи халқларни бўйсундирган йирик империя эди. Бу йирик давлатнинг пойтахти Персосол шаҳри эди. Форсларга қодир бу ерда элакийлар яшар эдилар. Форслар “Авесто”да озод номи билан аталган. Тарихий анъаналарга кўра, азодлар оромийларни ташкил этган. Арийлар босиб олган юрт кейинчалик Эрон номини олган.

Ривоятларга кўра, шу юртга кириб келган Эроний Ясо қабиланинг асилзода оилаларидан бири Аҳолин эр.авв. УШ асрнинг охири УП асрнинг

бошларида ўзининг сулоласига асос солган мил.авв. VII асрда унинг ўғли Чиштиш форс қабилаларининг иттифоқини тузган. Миллоддан аввалги 640 йилги миххатларда Парсулинг яъни Кир I форс давлатининг подшоси сифатида тилга олинган. У ягона форс давлатини тузади. Беҳистун ёзувларида подшо ўзини Аҳмонийлар авлодидан эканлигини тасдиқлаган. Мил. авв. 550 йилги Вавилон (Бобил) йилномасига кўра Кир II порсуннинг ҳукмдори деб эслатилади. Беҳистун ёзувларида қайд этишича, Ўрта Осиёнинг қуйдаги ҳақл ва вилоятлари форсликларга тобе бўлган: Марғиёна, Бақтрия, Хоразм ва саклар яшаган ҳудудлар мил.авв. 530 йил Кир массагетлар юртига бостириб киради. Кир томонидан Ўрта Осиёни босиб олинишини уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчиси: Парфия ва Каспий бўйи саклари устига юриш; Иккинчиси: Бақтрия ва Аюргия саклари устига юриш; Учинчиси Хоразм ва массагетлар устига юриш. Бақтрия ва Хоразмнинг қачон босиб олинганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо Ктесий, Мидия ҳукмдори Астиагнинг Кир олдида таслим бўлиши. Кир билан Бақтрия ўртасидаги жангнинг тезда тугашига олиб келганини ёзиб қолдирган. Геродотнинг ёзишича Кир массагетлар устига юриш бошлаганида малика Тўмарис уни бу ниятидан қайтаришга, беҳуда қон тўкилмасликка ундаган. Аммо қайсар Кир ўзини ниятидан қайтмади. Шундан сўнг Тўмарис Кирга элчи юбориб, жанг очик жойга, дарёдан уч кунлик маст қилувчи ичимликларни ташлаб чекинди. Бу ерда Тўмариснинг ўғли Спарганис ўз қўшини билан майишат қилди ва эронликлар уларни тор-мор қилди. Шаҳзода асир тушган бўлса-да, ор-номусга чидай олмай ўз жонига қасд қилди.

Ёрдамчи куч билан етиб келган Тўмарис Кир қўшинларини тор-мор этиб, Кирни бошини қон тўлган мешга солди. Кирнинг ўлими Ўрта Осиёни Эронлар зулмидан холос этди. Унинг ўғли Комбиз Ўрта Осиёни кўзгалонини бостирди ва отасининг жасадини дафн этирди. Кабиз ўз укаси тахтга давогар Бардисни сарой финаси орқали ўлдириб, унинг ўлимини халқдан яширди.

Лекин Камбазнинг Мисрга юриши даврида сир очилди. Зардўшт қоҳини Гаумата ўзини шаҳзода Бардия деб эълон қилади. Авом халқ унга эргашиб боради. Бу хабарни эшитган Камбиз Мисрдан қайтаётиб, йўлда номаълум сабаблар билан ўлдирилади. Қоҳин Гаумата тахтда 7 ойгача ўтиради. У аҳолини 30 солиқдан озод этади. Бу сиёсатдан норози аслзодалар 522 йил 28 сентябрда Гауматани ўлдириб Аҳмонийлардан Доро 1 Гуштаспни тахтга чиқарди. Бу хабар мамлакатга тарқалиб кўзғалон кўтарилди. Бироқ бу кўзғалон 522 йил 30 сентябрда Марғиёнада Фрода кўзғалони кўтарилди. Бу кўзғалон бостирилади. Беҳистун ёзувида бу ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга Парфияда кўзғалон бўлиб бу эр.ав. Доро 1 сакларни Орол соҳилларигача таъқиб этди. Саклар ўзларини ҳукмдори Скунҳани Доро 1га ушлаб берди. Саклар юрти Аҳмонийларга бўйсунди. Эр.авв. 522-521 йиллардаги халқнинг кўзғалонлари Доро 1 нинг ҳокимият тепасига килишига туртки берди.

Геродотнинг хабар беришича Доро 1 босиб олган ерларни сатропликларга бўлиб бошқарган ва сатроплар Доро 1 га маълум миқдорда солиқ тўлаб туришган. Солиқ миқдори кумуш таландо белгиланган. Бир толанд 34 грамм олтинга тенг ҳисобланган. Солиқ олишнинг ягона тизими ишлаб чиқилган. Доро 1 олтин танга дарик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бир дарик 8,4 грамм олтинга 20 кумуш тангага бир танга 5,6 грамм кумушга тенг эди. Олтин дарикни фақат шаҳоншоҳ, кумуш тангани эса вилоят ҳокимлари зарб этиш мумкин эди. Сатраплик тепасида ҳоким сатрап турган. Унинг ҳуқуқлари чексиз эди. Унда ҳарбий демократик фуқаролик ҳокимияти мужассам эди.

Сатрап ўз вилоятида солиқ ва судлик қилиш ва кумуш ва мис тангалар зарб этиши мумкин эди. Унинг тепасида фақат аҳмонийлар оиласидан бўлган кишилар турган Сатрапликларни зарот қилувчи шаҳоншоҳнинг “кўзкулоқлари” бўлган айғоқчилар ёлланган Ўрта осие Аҳмонийлари томонидан 3 та сатрапликка бўлинган. Бактрия Марғиёна билан бир

сатраплик яъни 12 сатрапликка бириктирилиб бошқарилган. У шаҳоншоҳ хазинасига йилига 360 талант жарима тўлаб турган (10 тонна кумушга тенг келади). Парфия, Хоразм, Суғд ва Арил билан биргаликда 16-сатрапликни ташкил этган ва йилига 300 талан жарима тўлаган. Саклар ва Каспий бўйи аҳолиси 15 сатраплик бўлиб улар Доро 1 хазинасига 250 талон солиқ тўлаган. Шу билан бирга қурилишида ишлаб бериш мажбуриятини олган. Персополдаги шаҳарлар сараш, суза ва экбатандаги давлат қурилишларида иштирок этган Доро 1 нинг сузадаги қурилиш ишларида Бактрия, Суғдиёна ва Хоразмдан келганлар кул сифатида ишлатилган.

Беҳистун ёзувида Мидия ва Бактриядан олтин, суғдиёнадан лазурит, Хоразмдан феруза олиб келинган.

Шундай қилиб Фарғона ва Тошкентдан ташқари Ўрта Осиёни катта қисмини эр.авв. V-III асрларда Аҳмонийлар Эронига бўйсундирилган эди. Бу сулола Александр Македонскийнинг Шарққа қилган юришларига қадар Ўрта Осиёни бошқарди.

Александр Македонский эр.авв. 356-323 йил қадимги дунёни йирик лашкарбоши ва давлат арбоби ҳисобланади. Шарқ қўлғамаларида у Искандар Зулқарнайн, яъни “Илохли Искандар” деб юритилади. 1970 йил Афросиёбда олиб борилган қазилма даврида Искандар тасвири туширилган қиммабаҳо сердолик тош топилган. У тасвирда Искандарнинг икки шохли қилиб тасвири туширилган. Бу ноёб топилма Самарқанддаги республика санъати музейида сақланади.

Искандар Мисрни босиб олганидан кейин у ернинг қўҳинлари уни Қўёш худоси Амоннинг ўғли деб эълон қиладилар. Мисрликларнинг анъналарига кўра Амоннинг сиймоси икки шохли бош кийимида тасвирланган. Баъзи манбаларда Миср Қўҳинлари Александр Македонскийни мағриб ва машриқ ҳукмдори деб тан олганликлари учун унга шундай дамадемони тож сифатида кийгизганлар. Искандар Эронни босиб олганидан кейин ўзини юришларини Ўрта осийга қаратади. Эр.ав. 329 йил

Ҳиндиқуш тоғидан ўтиб Бақтрияга келади. Бу даврда унинг старани Бесс эди. У Доро Шни ўлдиришда қатнашиб ўзини, Артакесеркес номи билан подшо деб эълон қилган. Бақтриялик Оксиарт, суғдлик Спитамин Бессни совуқ ниятини англадилар. Улар Амударёнинг Термизга яқин жойидан кесиб ўтиб ягона кўприк вазифасини ўтаб турган кемани ёқиб юбордилар. Улар Наутак қалъасида Бессни боғлаб қолдиришдилар. Улар Бессни Искандарга топширишди шу йўл билан искандарни юришини тўхтатмоқчи бўлишди. Чунки Искандар Бессни ўлдиришни эълон қилган эди. Бу Искандарнинг ўзига хос айёр тактикаси эди. Искандар Наутакдан чиқиб эронлар ва юнонлар ўртасидаги уруш даврида кўчириб келтирилган мистлик борнгитлар қабиласи авлодларига дуч келди. Тарихчи Арриан ва Квинт Курций Гуфнинг маълумотларига кўра Искандарни ва кўшинларини хурсандчилик билан кутиб олган бронхитлар қириб ташланди. Шундан сўнг Самарқандни эгаллаб, кўшини бир қисмини шу ерда қолдириб ўзи Сирдарё томон йўл олади. У ўзини Шарққа қилган юришини 3 йилини Ўрта Осиёга сарфлади. Эр. Авв. 328-323 йилларда Искандар Ҳиндистонга юриш қилди. Лекин бу юриш унинг сўнгги юриши бўлганлиги сабабли ва унинг Бобилда вафот этиши туфайли юнонларнинг аксарияти ўзларини ватанларига қайтиб кетишга мажбур бўлишди. Унинг вафотидан кейин салтанатни унинг кўмондони Салавка Никаиор ғолиб чиқиб 311-302 йилларда Бақтрия, суғд, сурия, Кичик Осиё ва Месопатамияни бўйсундиради. Империяни катта қисмини Салавка1 бошқариб сатрапликларни 72 тага бўлиб унинг устидан хукмронлигини олади. Антиох 1 даврида сатрапликлар анча кучайди. Салавкийлар бошқаруви уч қисмдан: Сатраплар, Эпарнлар ва Искархлардан иборат эди. Шарқий вилоятлар иқтисодиётида муҳғим роль ўйнаган Салавка1 ўғли Антиакни Шарқий вилоятларни хокими этиб сайлади. Антиох Салавка 1 билан Сипитамининг қизи Анома никоҳидан туғилган ўғил эди. У Аномага эр.авв. 324 йилда уйланган Анома она томондан Аҳмонийлар авлодидан эди. Салавка 1 ва Антиох даврида бир қанча шаҳарлар қурилди. Юнон тарихчиси

Илимийнинг маълумотига кўра Марғиёнада Искандар қурдирган “Александрия” шаҳри маҳалий ва кўчманчи аҳоли томонидан вайрон этилганч. Уни Антиох қайта қуриб “Антиохия” деб атади. Араан эса Александрия Эсхата (Қадимги Хўжанд)ни Салавка 1 қурдиргани эътироф этилади. Инглиз тарихчиси В.Тарин юнон тарихчиларини асарларини таҳлил этиб скифлардаги Антихя Александрия Эсхатанинг ўзидир деган хулосани беради. Страбоннинг ёзишича Марғиёнадаги шаҳарни кўчманчилардан ҳимоя қилиш учун Мурғоб воҳасида 250 км девор билан ўраб олдиради. Салавка 1 Ҳиндистонга юриш қилди ва мағлубиятга учради. У эр.авв. 280 йили вафот этди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Антиох давлатни марказдан туриб бошқарди. Эр.авв. III асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда салавкийлар давлатининг мавқие тушиб кетди. Бу даврда Бактрия ва Парфия сатрапликлари унга бўйсинмай қўйди ва эр.авв. 250 йилларда Парфия ва Юнон Бактрия ўртасида ҳарбий иттифоқ тузилди. Суғд ҳокими Евтидим Юнон Бактрияни 212 йили подшоси бўлиб мамлакатни шимоли ва ғарбий чегараларини Парфияликлар ва сак-массагетлардан ҳимоя қилди. Аммо эр.авв. 208 йилда Парфиқ подшоси Антиох III Евтидимга қарши ҳужум бошлади. Жангда Евтидимнинг 10 минг кишилиқ қўшини тор мор келтирилди. Евтидим қолган қўшини билан Бактрия қалъасига бекинди. Антиох 2 йил қамал қилиб эгаллай олмайди. Эр.авв. 206 йилда Антиох III ва Евтидим ўртасида шартнома тузилади.

Сулҳга кўра Евтидим Антиохни Бактрия подшоси деб тан олади. Антиох III ва Евтидим ҳимоясида Ҳиндистонга юриш бошлади. Антиох III ғарбда Сурия учун мидияликлар билан жанг қилади. Шу пайт Ўрта Осиёга шимолдан сак-массагетлар ҳужумининг ҳавфи бор эди. У бошқараётган давлатда Бактрия, Суғд, Ария, Марғиёна кирар эди.

Евтидимнинг Ҳиндистонга юриш қилиш орзуси унинг ўғли Димитрий (199-167) даврида амалга ошди. У ички сиёсатда Искандар ва Антиох I ларнинг изидан борди. Сарой аслзодалари билан келишиб иш кўрдилар.

Димитрий даврида Бактрия ҳудуди жиҳатидан кенгайди. Ҳарбий ислоҳот ўтказиб, шаҳарлар барпо этирди. Ислоҳотга кўра давлат майда вилоятларга бўлинди. Ва ҳарбий истехкомлар қурилди. Шу билан бирга Амударёнинг чап соҳилида Термиз шаҳрида ҳудуд шундай қалъа мавжуд эди. Шимолий-ғарбий Ҳиндистон босиб олингандан кейин мамлакатнинг пойтахти Пешавордан Токсимолга кўчирилди. Шимолда ҳокимлар ўртасида кураш кучайиб кетди. Эр.авв. 174 йилда Бактрияда марказий ҳокимиятга қарши кўзғалон кўтарилиб кетди ва давлат тўнтарилиши бўлиб ўтди. Кўзғалонга Юнон кўмондони Евкратит бошчилигида кўтарилди. Дмитрий бу вақтда Ҳиндистонда эди. Дмитрий бу вақт Ҳиндистондан келиб у билан жанг қилди. Лекин жангда ҳалок бўлди. Эр.авв. 167 йилда Евкратит ҳокимитни бошқарди. Шимолий шарқий Ҳиндистонда Менандро ҳукмронлик қилади. Ҳиндистоннинг жанубий ғарбий вилоятларида Аполлат ўзини подшо деб эълон қилди ва ўзини номини тангалар зарб қилди. Евкратит давлатни узоқ бошқара олмади. Ғарбдан Парфия ҳужум қилиб Марғиёни эгаллаб олди. Бу воқеалар Суғдиёни Бактриядан ажралиб чиқишига туртки бўлди. Биз буни Зарафшон воҳасидан эр.авв. 11 асрнинг 80 йилларига оид Евтидим тангаларига таҳлид қилиб ишланган тангалардан мисол қилиб олиш мумкин. Бу танганларда номаълум ҳокимнинг суратлари тасвирланган ва оромий алфавити асосидаги суғд ёзув номлари битилган. Тангаларнинг чап (ревирс) томонида юнонлар худоси Гераклнинг ўтирган ҳолда тасвири туширилган ва Евтидимнинг номи чала ёзилганлиги маълум бўлди.

Парфия марғиёни тортиб олган, Юнон-Бактриянинг халқаро майдондаги маъқие тушиб кетди. Худди шу пайтда шимолдан кўчманчилар босқини хавфи мавжуд эди. Бу сиёсий танглик кўшчилар ўртасида норозиликка сабаб бўлди. Эр авв. 155 йилда Юнон-Бактрия подшоси Евкратит ўғли Гелиокл томонидан ўлдирилади.¹

¹ Ретвеладзе.Э.В. Древние маштѣ средней Азии. Т. Наука. 1987. стр 10-12

Эр.авв. 141-128 йиллар орасида Юнон Бактрия давлати сифатида юхчи қабилалари томонидан босиб олинди ва тарих сахнасида ўчиб кетди. Юечжи қабилаларининг бир қисми Фарғона, Тошкент, Зарафшон воҳасини эгалаган бўлса, унинг Да-юечжи яъни катта ючжи қисми Бактрия ҳудудига кириб келди. Юечжининг Гуймон уруғи Гуймуй (Амударё)гача бўлган ҳудудларини босиб олди. Эр. Авв. 1У аср охирида Македонский томонидан Сирдарёнинг шимолий томонларига қувиб юборилган сак-массагетлари Хитой манбаларида юечжилар деб аталади. Улар Шарқий Туркистондан Мўғилистонга бўлган ерларда яшардилар. Юнон-Бактрия подшолигини ташкил топиши юхчихиларни безовта қилиб қўйди. Уларни бирлашмаслиги учун Евтидим уларни доим безовта қилиб туриб кўчманчиларга қарши иттифоқ тузди. Эр.авв. 176 йили Юнон-Бактрия давлатининг чегараси Шарқий Туркистон ва Хитойгача бориб етди. Хитой манбаларида ёзилишича юечжилар Бактрия келгандан 100 йил ўтиб 5 та қабиллага бўлиниб яшаганлар Гашуан қабиласининг ябғуси Кужула Кадфез (Хитой манбаларида) Киаузюко қолган 4 та қабилани бўйсундиради. Кушон давлати аввал Сурхондарё ерларида кейинчалик Тожикистоннинг жануби. Афғонистоннинг шимоли, Покистоннинг шимоли-шарқий қисмини Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий қисмини ўзига тобе этди. Кушон давлати антик дунёнинг йирик ва сўнгги империяси эди. Бу империя жаҳондаги Рим, Парфия, Хитойнинг хан империяси билан рақобат қилган. Бу давлатнинг асосчиси Куджула Кадфиз бўлса, у Канишка даврида қудратли давлатга айланди. Улар буддизмни давлат дини деб эълон қилди. Юнон ёзуви алоҳида Кушон- Бактрия ёзуви шаклланди. Милодий 1 асрнинг 70-80 йилларида Шарқий Туркистон масаласида Хитой Кушон мажораси келиб чикди. Дастлаб Кушонлар Хитойга юришини қўллаб-қувватлаган бўлса орадан 2-3 йил ўтиб Хитойга Кушон элчиси қамаб қўйилган. Кушон подшосига Хитой маликасини сўраб борган эди. Ҳақоратланган Кушон подшоси 70 минг кишилиқ қўшин билан Хитойга юриш қилди ва мағлубияятга учради.

Милодий 102 йилда Хитойнинг енгилмас лашкарбошиси Бок Чао вафот этгач, Шарқий Туркистон ерлари Хитойга қарши кўзгалон кўтарди. Бундан фойдаланган Кушон подшолари, шарқий Туркистонга бостириб кирди. Бу воқеа буддизмнинг бу ҳудудларга кириб боришини таъминлайди.

Сосоний Шопур 1 (241-247) давридаги “Зароатср Кабаси”номли манбада кушонлар ҳудуди Пешвор, Қашғар, Суғд ва Чочгача чўзилганлиги ҳақида маълумот урайди. Кушон подшолари халқаро дипломатик масалаларда катта эътибор берди. Милодий 99 йилда Кушон элчиси Рим империясига юборилган Кушон ва Рим империясининг савдо алоқалари узлуксиз давом этган. Буни Рим императорининг Трояни каллонналарига чизилган тасвиридан ҳам кўриш мумкин. Ана шу расмларда Ўрта Осиёлик савдогар ва дипломатлар ва ҳунармандларнинг расмлари учрайди.

226 йили Парфия давлати ҳудудида Сосонийлар давлати пайдо бўлди. Унинг асосчиси Артамир 1 илгари Парфиядан турли сабаблар билан ажралиб чиққан вилоятларни бирлаштириш ва уларни босиб олишга киришди. Бу жараён Кушон подшоси Васудеванинг хавфни олдини олиш учун иттифок излашга мажбур қилди. У 230 йилда Хитойга элчи жўнатди.

242-243 йилларда Эрон сосонийлари ва кушонлар ўртасида қаттиқ уруш бўлиб ўтди. Бу жангда сосонийлар ғалаба қилиб, ҳатто улар “кушоншоҳлар” деган унвонни ҳам қўлга киритдилар.

Будда матнларида “дунё уч қисмга бўлинган, аммо осмон ўғиллари тўртта, Хитой, Ҳинд, Кушон ва Рим” эканлиги тасдиқланган. Шундай қилиб, дунёни бир қисмини эгаллаган кушон салтанати III асрнинг ўрталарида тарих сахнасидан тушди, инқирозга юз тутди.

II.Боб.Қадимги маданиятни ўрганишда ёзма манбаларнинг ўрни.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданиятини ўрганишда ёзма манбаларнинг ўрни муҳимдир. Чунки Ўрта Осиё ҳам дунёнинг энг қадимги маданият учоқлари Эрон, Ҳиндистон ва Юнонистон, Рим, Миср ва Месопотамия каби жаҳон маданияти тараққиётида муҳим ўрин касб этади.

Халқимизнинг илк ёзма манбаларидан бири “Авесто”дир 1755-1761 йилларда Француз олими Анкетил Дюперрон Ҳиндистоннинг Гухлорот вилоятида Эрон зардуштийларининг авлодлари-порсларнинг урф-одатлари ва диний маросимлари билан танишиб чиқди. Улардан нусха кўчириб, диний аҳкомларни ўқишга муяссар бўлди.

“Апосстон” ёки “Авесто”нинг биринчи кўчирилгани 1288 йилдаги нусха бизгача етиб келган. Дюперрон таржималари 1771 йилда бутун Европани бу диний аҳкомлардан баҳраманд қилди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида “Авесто”нинг янги таржиамалари пайдо бўлди.

Дастлабки “Авесто” 12 қисмдан иборат бўлиб, ҳозирги вақтгача унинг айрим қисмлари сақланиб қолган.

Масалан, “Ясно-қурбонлик қисми” Виспрат- ҳамма-хукмронликлар яшт-“қадрлаш”, “улуғлаш” Видеврат- “девларча қарши қонун” кабилар сосонийлар давридаёқ таҳрир қилинган.

Яско китоби 72 бобдан иборат бўлиб, уларнинг 17 таси “Готалар” яъни пайғамбар зардуштларнинг “муқаддас кўшиқлари” унинг диний нисаҳатларидан иборат.¹

Готаларни пайғамбар Зардуштира бундан 2700 йил муқаддам яратган. Вистран 24 бобдан бўлиб, зардуштийларнинг айрим худоларга бағишланган мадҳияларидир.

Яштнинг 21 бобида ёзувсиз замонларга оид эроний қабилаларининг тассавурлари сақланган.

¹ Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т. Ўқитувчи. 1996 й. 16-17 бетлар.

Видевдат- “девларга қарши қонун” китоби тўлиқ сақланган китобдир, унинг тарихий санаси анча кейинги даврга тўғри келиб 22 та бобдан иборат.

Зардуштра-юнонча Зараостр, ўрта форс тилида зардўшт қадимги юнон тарихчилари фикрига кўра тарихий шахс ҳисобланади.

Зардуштра қадимги эронга “зардуштра” сўзидан келиб чиқиб “зар” олтин “уштра” туя ёки “ олтинтуяли”, “Олтин туя”, эгаси “Туя етаклаган одам” деган маънони англатади.

Заратуштира қабагон коҳин оиласида туғилган. У Спитема авлодидан келиб чиққан. Унинг отасининг исми Паурушасп онасининг исми Дучдова бўлган Зардуштира уйланган икки қиз фарзанд кўрган.

Қадимги Бақтрия ҳукмдори Кави Вистаспа Зартуштра ва унинг динини қабул қилади, зардуштийликнинг ҳомийсига айланади.

Абу Райҳон Беруний Зардуштрани Искандарнинг Шарққа юришлари 258 йил илгари туғилган деб ҳисоблайди.

Авестога асос солинган лортнинг географик жойлашуви ҳақида турли хил тортушувлар мавжуд. В.В.Стризве, И.М.Делканов, В.И.Абоев, И.Алиев, Б.Ғ.Ғофуров ва бошқалар.

“Авесто” Марғиёна, Хоразм, Бақтрия, Суғд тупроғида ёки Марказий Осиёга ччегарадош шимолий-шарқий Эрон ҳудудида пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар.

Аммо Асқаров “Авесто”нинг юрти фақат Ўрта Осиёдир, чунки унда келтирилган 24 шаҳар ва қишлоқ вилоятлардан 17 таси Ўрта Осиёда эканлигини таъкидлайди.

Авестода қадимги географик жой номлари ва ижтимоий тузум, дарёлар тоғлар ва маросимлар, этник бирликлар зардуштийликнинг фалсафаси ва бошқа маълумотлари келтирилган. “авесто”нинг якуний китобида вилоятларнинг номлари берилган. Унда келтирилган биринчи мамлакат Эроний қабилаларнинг ватани “Арёнам вайчах” ёки Арийларнинг саёхон

ерларидир. У юртда кўп яйловларга эга балан тоғлар кенг ва чуқур кўллар бўлган.

Кейинги мамлакатлар Тарату, Иската, Мауру, Гова, Азғода, Хворизим, Помир, Ҳиндиқуш, Хесор, Тангритоғ (Театиан) Орол, Балхаш Иссиқкўл, Амударё ва Сирдарё каби кўл ва дарёлар ҳақида маълумотлар берилган. Бундан ташқари “Аевсто”да сиёсий тарих Ўрта Осиёдаги сиёсий бирлашмалар, Эрон подшоларининг номи ва сулолар ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд.

Унда Эроннинг илк афсонавий подшоси “Хоошёнх- “шоҳнома”да хўжанг, кейинги Иммо-Жамшид. Сиёваршон Сиёвуш Кови-Хаосрав- кай Хусрав Доро 1 нинг отасини номлари ҳам келтирилган.

Кавийлар-Шоҳномада каёнийлар сулоласидир. Бу сулола-Кави Қават. Кай Қубот, Кави, Усон. Кай Ковус, Каби Пишин. Кай Пишин каби подшолар Заратуштра таълумотининг тарафдорлари бўлган.

Эрон шоҳи Доро 1 (эр.авв. 522-486 йил) Ҳинд водийсидан Ўрта Ер денгизигача бўлган ерларда ўзининг ҳукмронлигининг ўрнатади. Аҳмонийлар даври шахсимон ёзувларида Марказий Осиё халқлари ва вилоятлари ҳақида маълумот беради.

Бу ёзувлар миллоддан аввалги 1У-У1 асрларга оид бўлиб Беҳистун ва Нақши Рустам қоятошларидан топилган.

Улар Сизда Персепал ва Ҳамадан шаҳарларидан топиб ўрганилган. Бу ёзувлар қадимги форс тилидаги подшонинг фармони ва буйруқларидан иборатдир.

Уларни В.В.Отруве, В.И.Абоев, М.А.Дандамоев ва А.В.Эдановлар татқиқ этишган Беҳистун ёзуви Доро 1 даврида Кирманшоҳ ва ҳамадан орасидаги йўлда баланд қоятошда битилган Мидия ўлкасида жойлашган.

Доро ёзувида Аҳурамазда иродаси билан қуйдаги давлатларни қўлга киритиб уларни подшоси бўлдим. Форс, Элам Бобил, Оссурия, Арабистон,

Миср, Мидия, Маниё, Арманистон, Парфия, Хоразм, Бактрия, Суғдиёна деб Макка ҳаммаси бўлиб 23 та давлат деб ёзилганлиги эътироф этилади.

Юнон-форс урушлари бошланиши билан эр.авв. У1-У1 бошланиши билан эр. Авв У1-У1 асрларда Ўрта Осиёни халқлари сиёсий воқеаларда иштирок этганлигини юнон тарихчилари асарларида акс эттирила бошлайди.

Айниқса Герадоднинг “тарих” номли китоби муҳим аҳамият касб этади. Герадод эр.авв. 484 йил Кички Осиёнинг Голикарнасс шаҳрида туғилди.

У.эр.авв. 455-445 йилларда Ливия, Миср, Оссурия, Бобил, Экбатанда бўлиб. Қадимги Шарққа қизиқиб қолди. Геродот “Тарих” китобида Бактрия, Суғд, Хоразм, Сак, Массagetлар ва уларнинг моддий маданияти урф-одатлари диний эътиқоди ҳақида хикоя қилади.

Унинг ёзишича, массагетлар Шарқда қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг шимолида яшаганлар Аракс Матёна тоғларидан бошланади.

Арокс бу Амударё Матиеёна бу Ҳиндиқуш ёки Пашертоғ тизмаси ҳисобланади. Герадоднинг фикрига кўра Кир 11нинг ҳарбий юришларига Бобил, Миср ва Бактрия саклар тўсқинлик қилганлар.

Юнон тарихчиларининг асарларида Бактрия сўзи “этнос” шаклида ҳам келтирилган “этнос” сўзи асарда 145 марта ишлатилган Геродотнинг бу асари 1977 йил чоп этилган бўлиб Г.А.Стратоновский томонидан таржима қилинган.

Доро 1 Аҳмонийлар давлатини 20 та ўлкага бўлиб бошқарган. Асарнинг 3 китобида Бактрияликлардан эгларгача бўлган халқлар 300 талант солиқ тўлаган. Улар ун иккинчи ўлкани ташкил этган.

Унинг 3 китобида, 93 бу бобида саклар ва каспийлар 200 таланд тўлаганлар. Улар 15 ўлка Парфияликлар Хоразмликлар, Суғдлар, Орийлар 300 талант тўлаганлар. Улар эса 16 ўлка ҳисобланган (1 талант 33,655 кг кумушга тенгдир).

Геродот Бактрияликларнинг кийими мидияликларнинг кийимига ўхшаши саклар, синфлар узун чўққимли қалпоқ кийиб камон ва ханжарлар билан қуролланганлиги уларда икки қиррали ҳарбий болталар-сагарислар ҳам бўлганлиги қайт этилади.

Скифлар сак қабиласи олшгей саклар деб вталган. Форслар скифларнинг ҳаммасини саклар деб атаганлар. Бактрияликлар ва сакларнинг сардори Доро ва Кирнинг қизи Гистасп- Атассонинг ўғли бўлган (тарих УП китоб 64-бет) Геродотдан кейин юнон тарихчиларидан Кетесий Ўрта Осиё ҳақида муҳим маълумот беради.

У Кичик Осиёдаги Нкшд шаҳрида туғилган. Кетесийнинг айниқса Ҳиндистон ва Бактрия қизиқтирган.

Чунки юнонларнинг фикрига кўра Ҳиндистон қуёш чиқишида биринчи ва дунёнинг шарқий чеграларида охириги давлат бўлиб ҳисобланади. Бактрияда олтин ва қимматбаҳо тошлар ва найза камон билан қуролланган чавандозлар кўп бўлган.

Шунинг учун Кетесий “Герсика” номли китобининг катта қисмини Бактрияга бағишлаган Кетсий Осурия подшоси Нин ва Бактрия подшоси Оксиарт (бошқа манбаларда зараостр, зардўшт) урушлари ҳақида ҳамда Кир I нинг Бактрияликлар билан уруши ҳақида хикоя қилади.

Кетесий Бактриянинг мудофаа иншоотлари ва унинг машҳур шаҳарлари ҳақида муҳим манба ёзиб қолдирган. Шу билан бирга Оссур подшоси Нин ҳақида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган.

Бактриядаги кўпдан кўп шаҳарлар ўртасида Бактрия номи машҳур шаҳар мамлакатнинг маркази бўлиб, унда подшонинг қалъаси алоҳида жойлашганлиги қайд этилади.

Геродотнинг “Катта Хоразм” ва Кетесийнинг Бактрия ҳақидаги ёзма манбалари Ўрта осийдаги илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши илмий муаммосига асос бўлиб хизмат қилади.

Юнон тарихчиси Гехотси мелит шахрида туғилган (эр.авв. У1-У1 асрлар) у биринчи бўлиб аҳмонийлар давлатига бўйсундирилган ҳудудлар руйхатини тузган унинг маълумотлари Геродот ва Кетесий учун муҳим роль ўйнаган. Ҳиндистон ҳақида Герадотдан олдин Синилак хабар берган.

У подшо Доро 1 нинг буйруғи билан ҳинд дарёси орқали оксонга чиқиб, форс кўрфазига етиб келган.

III. Боб. Бронза даври моддий маданияти: қурилиш, кулолчилик, ҳаёкалтарошлик, бадий ва амалий санъат тараққиёти.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида Фарғона, Чоч, Суғдиёна, Бактрия ва Хоразм вилоятлари ўрнида қадимги давлатлар ва ҳарбий конфедерациялар мавжуд бўлган. Улардан Фарғона ва шош аҳмонийлар ва юнон тарихчиларининг асарларида учрайди. Марказий Осиёдаги Аҳмонийлар давлатининг шарқий чегаралари ҳозирги Ўртаепа шаҳри атрофида деб фараз қилинади. Македониялик Искандар ҳужумидан ҳам Шош ва Фарғона четда қолди. Олимларнинг фикрига кўра Ўртаепа шаҳри атрофида жойлашган Нуртепа шаҳар харобаси ўрнида милoddан аввалги У1-1У асрларда Курушката номли (юнонча Кираполис), яъни “Кир шаҳри” жойлашган.

Бу шаҳар мудрофаа деворлари билан ўраб олинган, аммо уйлари ертўлалардан иборат. Суғд ҳунармандчилиги таъсири остида Нуртепада кулолчилик чархида ясалган сопол идишлар кенг тарқалган.

Тошкент вилоятида илк темир даврида Бурғулик маданияти шакланди. Воҳадаги қадимги чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Бу маконлардан кўлда ишланган сопол идишлар, бронзадан ясалган меҳнат куроллари, ўроқлар ўк учлари ва куроллар танилган.

Тошкент вилоятининг аҳолисини бир қисми Аҳмонийлар манбаларида “Суғдиёна нариги ёғдаги саклар” деб берилади. Аммо бу саклар қўйи Зарафшон, Қизилқум ва Жанубий Қозоғистон саклари ҳам бўлиши мумкин. Эрамиздан аввалги 1 минг йилликнинг бошларида Фарғона водийсида Чуст маданияти ривожлана бошлади. Бу маданиятнинг асосида деҳқончилик ётади. Улар яшаган уй-жойлар ер тўла пахса ёки ҳам ғиштдан ясалган.

Айрим қишлоқлар деворлар билан ўраб олинган. Масалан, Чуст, Далварзин ёдгорликлари шулар жумласидандир. Далварзинда қазиб олинган деворнинг қалинлиги 4,6 метрни ташкил этади.

Ҳозирги Наманган Ўша ва Андижон вилоятлари ҳудудидан Чуст маданиятига оид 70 дан ортиқ ёдгорликлар топиб ўрганилган Археологик қазилмалар даврида қўлга киритилган меҳнат қуроли ва бугдой арпа тарик, донлари.

Чуст маданиятининг асосчилари деҳқончилик билан шуғулланини тасдиқлайди.

Топилган моддий маданият намуналари марғиёна ва Бактрия буюмларига жуда ўхшайди.

Эр.авв. УШ-УП асрларга оид Далварзидан топилган темир қуроли Фарғона воҳасида темир буюмлар кенг тарқалганидан далолат беради.

Эр.авв. УП –УШ асрларда мулкӣ табақаланиш жараёни уруғчиликдан синфӣ муносабатларга ўтишни таъминлайди. Савдо ҳунармандчилик ва меҳнатда ихтисослашув пайдо бўлди. Ортиқча маҳсулотларнинг пайдо бўлиши синфӣ муносабатларни келтириб чиқарди. Аммо водий ҳудудидан ҳозиргача ёзувнинг топилмаслиги Фарғона водийсида давлатчилик тарихи масаласини турли гумонлар асосида қолдирмоқда.

Қадимги Бактрия Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти тараққиётида етакчи ўринни эгаллайди. Бактрия қадимги Эрон тилида “Баҳтар замин” яъни Эрондан шарқдаги ерлар деган маънони англатади. Қадимги ёзма манбаларда “баҳти, Баҳтриш Бактриёна, Бактрия, Бохли каби атамалар йирик ўлка ва давлат номи сифатида учраганлиги бежиз эмас.

Рим тарихчиси Квинт Курсий Руф “Бактрия дарёси номидан шаҳар вилоятларининг номи келиб чиққанлигини эътироф этади. Дастлабки босқичда бу сўз ягона воҳанинг номи бўлиб, кейинги даврларда кенг ҳудудда тарқалган. Бактрия тарихий вилояти, Бактрия давлати сифатида ишлатилган тарихий маълумотларга кўра, қадимги давлатларнинг номларига одатда дарё, қабила, шаҳар номи асос солган.

Аксарият ҳолларда тоғлар халқларни бир-биридан ажратиб турувчи дарёлар бириктиришиб тургувчи географик омил ҳисобланади. Марказий

Осиё халқларининг тарихида дарёлар муҳим ҳаёт манбаи вазифасини бажарган. Ҳозирги вақтда Ўрта осийнинг вилоятлари шаҳар ва қишлоқлар дарёларнинг номи билан аталиб келинади.

Демак, Бактрия сўзи бу географик тушунчадир. Бактрия халқи ёки бактрияликлар ёзма манбаларига кўра босқинчилар Оссурия подшоси Нин Аҳмонийлар Кир II, Даро I Александр Македонскийга қарши мардонавор халқ ҳисобланади.

Бактрия ҳозирги Тожикистоннинг жанубий, Ўзбекистоннинг жануби-шарқий, Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмини ўз ичига олган. Археологик маълумотларга кўра энг қадимги қишлоқлар паҳса ва хом гиштдан қурилган уй-жой қолдиқлари илк суғорма деҳқончилик маданияти мудофаа девор билан ўраб олинган. Қишлоқлар хунармандчиликнинг ихтисослашуви, архитектура, савдо-сотиқларнинг ривожланиши кузатилади.

Сўнгги бронза даври илк темир асрида, яъни эр.авв. IX-VIII асрларда бактрия ҳудудида сиёсий уюшмалар вужудга келди. Бу эса Марказий осий аҳолисининг бир қисми кўчманчи чорвачиликка ўтган даврига тўғри келади. Темир қурулларининг кенг ривожланиши қабилаларнинг жанговарлигини янада оширди. Бу босқиннинг тарихи “авесто”да тасвирланган.

Эр.авв. 700-540- йиллар қадимги Бактрия давлатининг ривожланган даври бўлиб, бу давлатнинг ҳудуди Мурғоб воҳаси, Ҳиндиқуш тизмаси, Бадахшон, Нурота тизмаси ва Бухоро воҳасига бориб тақалган бўлиши мумкин. Бу давлатнинг ҳудудидаги дарёлар Мурғоб, Балхоб, Қундуз, Танги, Вахш, Амударё Зарафшон, Сурхон, Қашқадарё эди. Мана шу илмий хулоса тўғри бўлса Марказий осийдаги ривожланган давлатлардан қадимги Бактрия энг йирик давлат бўлган дейиш мумкин. Марғиёна ва Суғдиёна қадимги Бактрия давлатининг таркибий қисмлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

“Авесто”нинг Видивдат китобида энг гўзал мамлакат ва ўлкалардан бири бўлиб, баланд байроқли ўлка деб “эътироқ этилади”. Кейинроқ юнонлар

манбаларида «страна тысячей городов» яъни, минг шаҳарли мамлакат деб аталди. Геродотдан олдин “Бақтрия халқи” деган тушунча юнон трагек жанри эксилнинг “Форслар” деб аталган трагедиясида учрайди. Бу асар Афина театрларида эрамиздан аввалги 472 йилда сахна асари сифатида ижро этилган. Асарда Бақтриялик жасур жангчилар Тенагон ва Аритом исмлари тилга олинган. Улар эр.авв. 480 йилда саламин жангида ҳалок бўлишдилар ва шу оролда дафн этилдилар.

Эҳсил ўз асарини “Бақтрия ҳақи ҳалок бўлди” деб якунлайди. Геродотнинг хабарига кўра, Миср ва Бобил билан бир қаторда Бақтрия Кир Пнинг юришларида тўсиқ бўлган. Аҳмонийлар давлати учун Бақтрия ўлкаси муҳим аҳамиятга эга эди.

Тарихчи Е.А.Мангадскач геродот “Тарихи” Беҳустин ёзувлари ва тарихчи Арион маълумотларига таяниб. Бақтрия ҳукмдорларининг рўйхатини тузган.

1-Эр.авв.530-522 йилларда ўлка ҳокими Селирдес-Бордия (Кир Пнинг ўғли ва Кам бизнинг акаси) бўлган.

2-522-486 йилларда Дадаршиш бўлган.

3-486-480 ва 480-465 йилларда Доро 1 нинг ўғиллари Ариамен ва Мохат (Ксеркес она-укалари).

4-465-423 йилларда Артабан Питосп (Виштасп)

Шундан сўнг 335 йилгача маълумотлар йўқ.

5- 535-539 йилларда Бесс охирги Аҳмоний Доро III даврида ҳокимлик қилган кўриниб турибдики ўлка ниҳоятда ҳарбий иқтисодий етарли аҳамиятга эга.

Шунинг учун уни Аҳмонийлар подшоларининг яқинлари ва таянчлари бошқарган Бақтрия ҳудудидан топилган шаҳар ва қишлоқлар, қалалар қарвон йўллари суғориш иншоотлари, бадий ва амалий санъат намуналари бу давлатнинг муҳим стратегик аҳамияти ва бой иқтисодий-сиёсий ҳаётидан дарак беради. Бақтрия юқорида айтганимиздек, аҳмонийлар салтанатининг

меросхўри ҳукмронлик қилган ўлка ёки шаҳзодалар бадарға қилинган чекка бир сатраплик деб ҳисобланган. Масалан: Бардия акаси Каамбиз томонидан ўлдирилган, масист ўз укаси подшо Ксерекс билан тахт учун бўлган курашда ҳалок бўлади. Артбом подшо Артаксеркесга қарши курашда Бактрияга суянган.

Эрамиздан аввалги 330 йил Бактрия ҳукмдори Бесс подшо Доро Шни ўлдириб, ўзини подшо Артакссеркес IУ деб эълон қилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Олимларнинг фикрига кўра Бактриянинг бир қисми Афғонистоннинг шимолий ҳудуди эди. Қундуз ва Кукча дарё воҳалари. Оромийларнинг Арёним Ваэша мамлакат жойлашган бўлиши мумкин.

Бу мамлакат Арёшайёна номи билан ҳам аталади И.М. Деяноковнинг фикрига кўра Арёшаёна Кови Виштасп давлати бўлиб, у Дронгиона, Соттигита Ария, Марғиёна ва Амударёнинг ўрта оқимидаги вилоятларни шевичлар Кова Виштасп подшолигини Марв ва Ҳирот атрофида жойлашган “Катта Хоразм” деб ҳисоблаганлар.

И.В.Тяньков эса Кави Виштасп давлатини Бактрия тўғри келишини айтади. Археологик манбалар қадимги Бактрияда дастлабки шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини аниқлаш имконини беради. Бактриянинг шаҳар марказлари йиллар давомида харобага айланиб ернинг остига қолиб кетган.

Улардан Бола Хисор, Олтиндиёр, Қизилтепа, Байтудашт ёдгорликларида археологик тадқиқотлар олиб борилган. Бундай шаҳарлар қалин муҳофаа деворлари билан ўраб олинган.

Археологик тадқиқотлар натижасида бу ердан ҳам ғишдан ҳам пахсадан ҳам қилинган уй-жойлар топилган.

Бактрия бир қанча дарё воҳаларидаги бешта вилоятларни бирлаштирган Сурхон, Балхай, Кофирниҳон, ғ Вахш, Кўкча-Қундуз воҳалари шулар жумласидандир.

Бу воҳаларнинг Марказий шаҳарлари мавжуд. Масалан: Сурхон воҳасининг маркази Қизилтепа бўлган, Шимолий Афғонистоннинг йирик шаҳарлари эса Боло Ҳисор харобалари ўрнида қадимги Батра шаҳри жойлашган бўлиб, юнон тарихчилари Геродот ва Кетесийларнинг хабарларига кўра. Бу шаҳар Бактриянинг маркази бўлган Кетесий ўзининг “Персико” номли асарида Бактрия кўп қалъа ва истеҳкомлари бирлигини қайд этади.

Ҳозирги пайтда Бактрия ҳудудидан эр.авв. 1 минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 зиёд уйқўрғонлар, шаҳар ва қалалар топилган. Улрдан Кучук тепа, Бешқўтон, Талашқон, Хондавлат, Бандихон, Бўйрачи, Қизилча, Обишир ва Шўртепа кабилар Сурхонлар воҳасида жойлашган.

Бу ёдгорликлар мудофаа деворлари, истеҳкомлар билан ўраб олинган, шаҳар қишлоқ ва минора, қалъа, уй-жойлардир.

Қадимги аҳолининг деҳқончилик маданияти асосида қадимги Бактриянинг моддий ва маънавий маданияти шаклланди. Топилган сопол идишлар бронзо ва темирдан ясалган ҳарбий ва меҳнат қуроллари, пичоқлари ва ўқ учлари жез игна ва бигизлар сопол урчуқлар бошлари тошдан ишланган қуроллари фикримизни тасдиқлайди.

Ўрта Осиёнинг қадимги вилоятларидан бири суғд “Авесто” нинг Яшт китобида Суғд Гова деб юритилади. Баъзи манбаларда Гова-Гау шаклида учрайди. Масалан “Катта”, “буқо”, “пода” деган маънони англатади. Унинг кўринишлари чўл ва дашт зоналарига бой Қашқадарё воҳаси номларида учрайди. Қашқадарё воҳасидан топилган уй-жой, қўрғон ва қалъаларнинг қолдиқлари эр.авв. 1Х-УШ асрларга оиддир. Бу ёдгорликлар сирасига сангиртепа, Чироқчитепа, Янгитепа ва Ерқўрғонлар киради.

Қадимги юнон тарихчилари маълумотларида Бактрия ва сак массагетларида нисбатана суғд номи кам учрайди.

Искандар Зулқарнайн юришларидан сўнг суғд тарихи кенгрок ёритиб берилади. Суғдиёна бу Зарфашон ва Қашқадарё ҳудудларини ўз ичига олиб, жануби-шарқда Бактрия ва шимоли-ғарбда Хоразм билан чегарадош бўлган.

Суғдиёнанинг маркази маракана (суғдча самарқанн) учрашувлар анжуманлар жойи муҳим савдо йўлининг чорраҳасида бўлган Мароканданнинг қолдиқлари ҳозирги Афросиёб шаҳри харобаларига тўғри келади. Бу давр ёдгорликлари бронза даври маданий хусусиятларини ўзида акс эттириб ярим ертўла, турар жой суғориш каналлари излари ва қўлдан ясалган идишлар билан ажралиб туради.

Бу ёдгорликлардан темирчилик ва металсозлик заргарсозликнинг ажойиб тош қолиблари топилган. Аҳоли ҳудди шу даврда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

Суғорма деҳқончилик ҳам яхши ривожланган. Бу ҳудудда йирик суғориш иншоотлари эрамиздан аввалги V-I асрларга оиддир. Аммо олимлар бу сунъий суғориш иншоотлари аҳмонийлардан ҳам илгари мавжуд бўлгандагина бундай катта ва узун каналларни қозиш мумкин деб хулоса чиқарганлар.

Юнон тарихшунослари Гегатий ва Герадотларнинг Акес дарёси сувлари билан фойдаланувчи ерлар ҳақидаги хабарларга кўра “Катта Хоразм” давлати тўғрисидаги илмий қарашлар пайдо бўлган эди.

Бу давлатда Геродот айтганидек, гирканлар, парфияликлар, сарагонлар ва тамонийлар ҳам кирган.

В.Тар ва Ф.Альтхейм фикрига кўра аҳмонийлар давридан олдин хорзамликлар Парфия чегараларидан шарқий йўналишда Капетог ёнбағирларида жойлашган.

Хоразм давлатининг маркази Марв ва Ҳирот атрофида қуйи Амударё (Узбой) аҳолиси Хуросондан хоразмликларнинг кўчиб келиши билан боғлайди.

Бошқа бир манбаларда ҳам қуйи Амударё яъни Хоразм деган сўз “Харасмия” номидан олинган деган (В.Б.Кенинг, И.Гиримович). Демак бу назарияга кўра Хоразмликларни қуйи Амударё хавзаларига қадимги форслар сиқиб чиқарганлар.

С.П.Толстов, М.Г.Ворабиевлар бу фикрга қарши чиқиб Хоразмликлар Марказий Осиё жанубидан чиқиб кўчиб келганлар

Қадимги Хоразм, қуйи Амударё қадимги замонлардаёқ ташкил топганлигини қайд этишган. Унинг ҳудуди Ўрта Амударё ҳавзасидаги кумқалъадан бошлаб Орол денгизигача бўлган ерларни ўз ичига олган.

Эр.авв. У1-У асрларга оид 310 дан ортиқ қўрғон, қалъа, шаҳар ва қишлоқ харобалари ҳудудида шу ҳудуддан топилган. Улардан энг машҳури Кўзалиқир мудофаа иншоотларининг Бақтриядаги қизилтепа мудофаа девори билан ўхшашлик томонлари бор. Яъни Бақтрия мудофаа деворларининг ўртасида жангчилар юришлари учун йўлақлар мавжуд бўлган.

Шаҳар деворлари устида мудофаа ва ўқ отиш учун ҳарбий минора мудофаа буржлари қурилган. Деворларнинг ҳар 2 метрида эшиклар учрайди.

Археологик татқиқотларга кўра. Хоразмда эр.авв. УШ-УП асрга оид ғишт ва пахсадан қурилган деворлар учрайди. Уйлар ярим ертўладан иборат бўлиб, сопол идишлар қўлда ясалган, қурол чархи бу ҳудуд ҳунармандчилигида маълум бўлмаган.

Эр.авв. 1Х-УШ асрларда Суғднинг жанубида чархда ишланган идишларнинг пайдо бўлиши, қурилишда ғишт билан пахсанинг ишланиши уй қўрғонлар ва айрим қалъаларнинг бино қилиниши Бақтриянинг Суғдиёнага маданий таъсирини кўрсатди. Қадимги Хоразм давлати эр.авв. У1 асрда Амударёнинг ўрта оқимида вужудга келди деган фикр ўзининг илмий тасдиғини топди.

Бу давлат ҳеч қачон Марф атрофида шаклланмаган, чунки Марф Марғиёна қадимги Бақтриянинг йирик вилояти ҳисобланган.

Бақтрия ва Хоразмнинг ҳудудий чегаралари Ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Ҳудди шу ҳудудда бир-бирига рўпара ҳолатда иккита қадимги истеҳком Одойтепа ва Қушқалъа қурилган.

Хоразмликларнинг ҳудудлари Суғдиёна, Марғиёна ва Бақтрия ерларига бориб тақалган. Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг тоғлари даштлари ва чўлларида яшаган кўчманчи чорвадор қабилалар умумий сак-массагетлар қабиласи деб юритилган.

Эр.авв. УП-У1 асрларда уларга қариндош қабилалар Қора денгиздан то Хитойгача бўлган ерларда жойлашган.

Кўчманчилар қадимги форс ёзувларида “сака”, “шона” юнон тарихчилари асарларида “скифлар”, “сарматлар”, “саклар”, “массагетлар” кейинроқ “дохлар”, “олоилар” деб аталган. Уларнинг номи ҳатто Эрондаги Сокостон ва Сеастон вилоятлари номларида ҳам ақланиб қолган.

Аҳмонийлар ёзувларида саклар қуйдаги гуруҳларга бўлинади Сака-тиграхауда, сака хаумаворка (И.М.Оракский фикрига кўра “тигра”-ўткир) “хоуда” бош кийим, яъни учли қалпоқ кийган ҳаммани улуғлаган саклар жамоа муқаддас ичимлик (суғдларнинг тарихи) дарёнинг нариги ёғдаги саклар сана тийай пара суғдам сака тайи дарё-дарёнинг нариги томонидаги саклар деган маънони англатади.

Олимларнинг фикрига “сак” дегани бу “қудратли эпчил ва мард” дегани Бехустин ёзувларида кўчманчилар ягона “сака” деб аталган.

Саклар муаммоси билан В.В.Струве, С.П.Толстов, А.Н.Беренштам, Б.А.Литвинский ва бошқалар шуғулланган сакларнинг ёдгорликлари ва мозор-қўрғонлари қабристонлар кенг ҳудудларда топиб ўрганилган.

Бу ёдгорликлар каспий ва Орол, Помир ва тангритоғ ўлкаларида қуйи Зарафшон, Амударё, Сирдарё ерларида учрайди. Сакларнинг ёдгорликларидан бронза ва темирдан ясалган ҳарбий қуроллар, зеби-зийнатлар ва сопол идиш топилган.

Геродот сакларнинг қурол яроғлари ҳақида аниқ маълумот беради. Уларнинг мазор қургонларидан ҳарбий болталар, ханжарлар ва бронза ўқлар жуда кўп учрайди.

Сакларнинг ўқлари баргисимон, икки уч қуролли бўлган. Ханжар ва қилич дастаси ёйсимон қайрилиб турган.

Геродот фикрига кўра сак ва массагетларнинг турмуш тарзи бир-бирига яқин бўлиб, у отлик ва пиёда жанг қиладилар. Геродот сак ва массагетлар темирни ва қумушни умуман ишлатмайдилар чунки уларнинг ҳудудида метал умуман учрамайди деган нотўғри хулосани чиқарган.

Кўчманчиларнинг Помир қуйи Сирдарё Зарафшондаги мазор-қургонларидан темирдан ясалган қилич ва ўқлар топилган.

“Авесто”да Марказий Осиёнинг чорвадор қабилалари “тўра”, “дану”, “хьяно” номлари билан аталган. Кўчманчиларнинг маданияти ҳақида Сирдарёнинг қуйи оқимидаги эр.авв. IX-УП асрларга оид Панжикент мақбаралари муҳим маълумотлар беради. Улар ҳам ғиштан барпо этилган бўлиб, тўртбурчак халқасимон шаклдаги мақбаралардир. Бу ерда кўчманчиларнинг оқсоқоллари ва сардорлари дафн этилган.

Бу давр “Авесто” да тилга олинган баҳодирларнинг жанги даврига тўғри келади. Яъни Кайхусрав (Кави Чусрав) ва Афросиёб ўртасидаги Чайчақта кўли ёнидаги жанг Кави Вистаспнинг ғалабаси Кави Вистасп Хияона ёзуви сержаҳе Аштарвант сохта Аржатасп девларни қадрлаган Даршин устидан ғалаба чиқиши каби воқеалар шу даврга тўғри келади.

Демак бронза давридан бошлаб Евразиянинг кенг ҳудудида чорвадор қабилалар тарқалди. Илк темир асрида улар Марказий Осиёнинг ўтроқ хўжаликларига эга вилоятлари Фарғона, Суғд, Хоразм, Бактрия, Марғиёна ва Парфия чегараларида жойлашганлар. Кейинги даврларда сак-массагетларнинг жойларига бошқа кўчманчилар келиб жойлашдилар.

Эр.авв. II минг йилликдан бошлаб то ўрта асрларгача чорвадор кўчманчи қабилалар деҳқончилик воҳалари чегараларида жойлашиб янги

этник маданият. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга аралашиб кетди.

ХУЛОСА

Ўрта Осиёнинг қадимги давлатлари ҳақида фикр юритганда фақат Ўзбекистон ҳудудидаги эмас, балки қўшни давлатларни ҳам ҳудудларни ўз ичига олган Бактрия, Катта Хоразм, Парфия, Марғиёна, Кушон давлатларининг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган воқеаликлар ҳақида тасаввур этамиз.

Ўрта Осиёнинг бу давлатлари нафақат ўрганилаётган ҳудуд балки жаҳон маданият тараққиётида муҳим аҳамият касб этган маданий-иқтисодий марказлар сифатида талқин этилади.

Кўҳна Шарқнинг илк қишлоқлари эр.авв. X минг йилликда вужудга келган бўлса, Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти асосида эр.авв. У1-1У минг йилликларда илк қишлоқлар энеолит ва бронза даврларида мушофаа деворлари билан ўраб олинган илк шаҳарлар вужудга кела бошлади. Агар Ўрта Осиёда илк деҳқончилик марказларининг вужудга келиш даври, бронза даври дейилса, Кўҳна Шарқда бу давр ёзма манбалар даври деб аталади.

Ўрта Осиёда бронза давридан бошлаб сунъий суғорма деҳқончилик асосида илк шаҳар маданияти шаклланди. Бу жараён А.А.Асқаров, А.Абдуллаев, Г.Ширинов, А.Сагдуллаев, Ш.Шайдуллаев каби олимлар томонидан анча мукамал ёритилган.

Ўрта осиёнинг қадимги дунё маданияти эр.авв. 1 минг йилликнинг бошларида темир қуроллариининг кенг тарқалиши билан ривожлана бошлади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби “авесто” да Ўрта Осиёнинг Аҳмонийлар давригача бўлган вилоят ва ўлкалари, Эрон подшоларининг битиклари ва Бехустин ёзувларида юнон тарихчиларининг асарларида муҳим маълумотлар сиёсий тарих аҳолининг этник таркиби, шаҳар ва қишлоқлар ҳақида муҳим маълумотлар беради. Бу қадимги давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ва маъданий ҳаёти ҳақидаги маълумотлари ҳозирги Эроннинг шимолий-шарқий, Туркманистон, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Тожикистон, Қозоғистон ва хусусан Ўзбекистон тарихига таалуклидир.

Мазкур ўрганилаётган мавзу Ўрта осие қадимги давлатларнинг вужудга келиши ва равнақ топиши уларнинг жаҳон маданияти тараққиётида тутуган ўрни, ҳамда инқирозга учраш масалаларини ёритиб беришга қаратилган.

Ўрта Осиёнинг илк темир асри маданиятлари ва уларнинг деҳқончилик марказлари, ҳамда марказий шаҳарлари, қалъалари қўрғонлар ва улардан топилган моддий маданият намуналари бу даврда юксак ҳунармандчилик мавжудлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёдаги илк цивилизациялар вужудга келиши бу албатта сунъий суғорма деҳқончилик асосида илк шаҳар давлатларнинг шаклланиши, давлат ёзув ва бошқарув шаклининг пайдо бўлиши, шаҳар давлат хусусиятларининг ёзма манбалари ва археологик топилмаларда ўз аксини топганлиги кишилиқ жамияти тарихида моддий ва маънавий маданиятнинг ниҳоятда узвий боғлиқлигини тасдиқлайди.

Қадимги маданиятимиз тарихи нафақат қадимги ёзувлар ва битиклар орқали, балки археологик моддий маданият намуналари орқали ўрганилиши муҳим аҳамият касб этади.

Қадимги ёзувлар ва манбалар учрайдиган шаҳар ва қишлоқлар моддий маданият археологик қидирувлар орқали ўз тасдиғини топганлиги юртимизни мадҳ этувчи ёзувлар янада ишончли манбалар эканлигига ишончимиз комил бўлади. Қадимги Бактрия, Хоразм, Суғдиёна, Парфия, Марғиёна, Юнон Бактрия подшолиги Кушонлар подшолиги ўзини тутган мавқеи, сиёсати ва иқтисоди маданияти билан жаҳон халқлари тарихида ва уларнинг маданияти тараққиётида ўзига хос ютуқлар тажрибалар билан ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Кейинги йилларда амалга оширилган археологик татқиқотлар Ўрта Осиё халқлари давлатчилиқ тарихини янада бойитади ва унинг қадимийлигини инсониятга яна бир бор исбот этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 1992 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. 1993 й.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1994 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодиёт ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. 1995
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. 1995 й.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари 1999 й.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. 1996 й.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида 1994 й.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 2008 й.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 1997 й.
11. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида 1998 й.
12. Абдуллаев А. Палиетрини ракиего железного веко в Плиджком районе и прошлой средней Азии . Душанбе. 1987.
13. Альбаум Л.И. Болалбек-тепе к историе материальной культуры и исскуства Тохаристана Тошкент. АНУз ССР. 1960
14. Альбаум Л.И. Продкице Далварзинтепе ИМКЧ Ташкент. 1960 вып. 7.
15. Альбаум Л.И. К вопросу об историческе топографий городих, среднего Термеза Творческое косидих народов Средний Азии в полятниках исскуства, архитектуры и археологии Ташкент. 1983.
16. Асқаров А.А. Сополлитепа. Т. Фан. 1979.
17. Асқаров А.А. Росписькал керамика Джаркутана Бактирийской древности. Наука. 1976.
18. Асқаров А.А. Древне зимледельческая культура эпохи бронзи лога Узбекистана. Т. Фан. 1973.

19. Асқаров. А.А. Альбаум Л.И. Населения Кучук-тепа Т. Фан. 1979.
20. Асқаров.А.А., Абдуллаев Б.Н.. Джаркутан. Ташкент. Фан. 1983.
21. Байкапов К.М. Среновековая городская культура Южного Казакстана и Северная Авлеа-ата. 1930.
22. Бартольд В.В. К истории древнейших Туркестана Сочи. Т-3. М. Наука. 1963.
23. Литвинский Б.А. Кушанский город. М. Наука. 1961.
24. Пулатова В.А. Деревня Хива. Т. Фан. 1972.
25. Масон В.М. Древнеземельская культуры Маргиани МИА 1959 « 13.
26. Масон В.М. Северная Бактрия Древнический государства Кавказа и Средней Азия М. «Наука» 1983.
27. Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению деревних памятников северной Бактрии Древняя Баррен 1974.
28. Пугаченкова Г.А. Холчаян. Ташкент. Фан.
29. Пугаченкова Г.А. Шедевры Средний Азии Ташкент 1986
30. Чориев З.У. Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон худудида ёзувнинг пайдо бўлиши.
31. Миртычев Т.К. Термизда буддизм Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар Ташкент. Шарқ. 2001.
32. Ретвеладзе Э.В. Разведечное изучение памятников на юге Узбекистана Деревня Бактрия Л. Наука. 1974.
33. Ретвеладзе. Э.В. Сайидов А.Х. Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственности прова: Т. 2000.

Ўқув методик кенгашининг
3-апрель 2002 йилги 5-баён
номаси билан тасдиқланган

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультети

таълим йўналиши

Битирувчиси _____ нинг
(Ф.И.Ш)

мавзуидаги битирув малакавий ишига ДАКнинг

ХУЛОСАСИ

Термиз давлат университети ДАК Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги БМИ ни бажариш ҳақида 31.12.98. йил 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан қуйидагиларни аниқлади:

1. БМИнинг ҳажми ва талаб бўйичарасмийлаштирилганлиги (меёр: тиббий йўналишлар-50 бетдан, ижтимоий-гуманитар-70 бетдан кам бўлмаслиги керак): талабга жавоб беради-_____балл
2. талабга қисман жавоб беради-_____ балл
3. талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд _____балл
4. Мавзунинг давлат ва университет грант дастури асосида ёки долзарб муаммолар бўйича танлаганлиги: давлат дастурига кирган _____балл
5. Грант лойиҳаси бўйича _____балл
6. ТерДУ дастури бўйича _____балл
7. долзарб муаммолар бўйича _____балл
8. Мавзунинг долзарблиги асосланганлиги: етарли даражада асосланган _____балл
9. етарли даражада асосланмаган _____балл
10. ноаниқ _____балл
11. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ ифодаланганлиги: аниқ - _____ балл,
12. тўлиқ аниқ эмас – _____ балл,
13. аниқ эмас – _____ балл,
14. БМИ бажаришда илмий текшириш методлардан фойдаланганлик даражаси тўла _____балл
15. қисман _____балл
16. етарли эмас _____балл
17. Олдинги натижаларнинг янгилиги ва ишончилиги даражаси натижа янги _____балал
18. илгари олинган _____балл
19. тўла ишончли эмас _____балл

20. БМИнинг хулоса қисмида ишлаб чиқаришга тавсия берилганлиги: бевосита ишлаб чиқаришга тавсия бор _____ балл
21. ижтимоий соҳада қўллашга (таълим, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий..) тавсия қилинган _____ балл
22. тавсия йўқ _____ балл
23. Битирувчининг мавзу бўйича олинган натижаларини танқидий баҳолаганлиги даражаси: аниқ _____ балл
24. тўла аниқ эмас _____ балл
25. танқидий баҳоланмаган _____ балл
26. Ишнинг илмий ҳарактери: илмий тадқиқотлар асосида _____ балл
27. аралаш шаклда _____ балл
28. Рефератив ҳарактерда _____ балл
29. Адабиётлардан фойдаланганлик даражаси: илмий-амалий журналлар, монография, етакчи олимлар асарларидан тўла фойдаланганлиги _____ балл
30. фақат дарслик маъруза матнлари, ўқув қўлланма ва маълумотномалардагина фойдаланилган _____ балл
31. Битирувчининг маърузасига баҳо, аъло _____ балл
32. яхши _____ балл
33. қониқарли _____ балл
34. Берилган саволларга жавоблари: тўлиқ _____ балл
35. ўрта _____ балл
36. қониқарли _____ балл
37. БМИни ташқи тақризчи томонидан баҳоланиши: аъло _____ балл
38. яхши _____ балл
39. қониқарли _____ балл
40. БМИга қўйилган якуний балл _____

(100 балл)

Эслатма: ҳар бир банд бўйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади.

ДАК раиси _____

Ф.И.Ш. имзо

Аъзолари _____

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

(муҳр ўрни)

Сана « _____ » _____ 2011 йил